

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг конституциявий ваколат мuddатлари 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кулигининг биринчи яшанбасида, яъни 2009 йилнинг 27 декабрь кuni ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловнинг сайлов қонунчилиги, умумза-тироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шар-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси

КАРОР ҚИЛАДИ:
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келади-

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

ган сайловчилар нормаси ўртача 127,5 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилсин ва уларнинг chegarалари ҳамда сайловчилар сони қўрсатилган рўйхати 2009 йилнинг 12 октябрга қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 18 октябрга қадар шакллантирилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

2009 йилнинг 28 октябрга қадар сайлов участкалари;

2009 йилнинг 17 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларини тuzадилар.

6. Белгилаб қўйилсинки, белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов учун ягона ҳисобланади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ; сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2009 йилнинг 18 октябрга қадар тақдим этиш-

ри лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлигига номзодлар қўрсатиш 2009 йилнинг 23 октябрга бошланади ва 2009 йилнинг 11 ноябрга тугалланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан ҳужжатлар қабул қилиш 2009 йилнинг 14 ноябрга тугалланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2009 йилнинг 21 ноябрга тугалланади;

манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига 2009 йилнинг 11 декабрга қадар маълум қилишлари лозим.

8. Участка сайлов комиссиялари: сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2009 йилнинг 12 декабрга қадар, Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар давлош муассасаларида, олис ва бориш қўйиб бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2009 йилнинг 20 декабрга қадар тақдим қилади.

9. Сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ҳамда вақти тўғрисида сайловчилар ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлаш;

2009 йилнинг 17 декабрга қадар сайловчиларнинг овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этиш.

9. Қайд этилсинки, Ўзбекистон

Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ;

сайловолди ташвиқоти депутатлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва 2009 йилнинг 26 декабрга тугайди. Сайлов кuni ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди;

озов бериш 2009 йил 27 декабрь кuni соат 600 дан соат 2000 гача ўтказилади.

10. Белгилаб қўйилсинки, участка сайлов комиссиялари 2009 йилнинг 27 декабрь кuni овоз бериш тугагач, овоз бериш ақуларини чиқаришга киришади, комиссия мажлисида қўриб чиқиш натижалари бўйича баённома тuzади ва уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг қўриш нухаси участка сайлов комиссияси баённомасида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган мuddатга осиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ва Марказий сайлов комиссиясига 2010 йилнинг 2 январига қадар белгиланган тартибда баённома тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман

ва шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов ақуларни тўғрисидаги ахборот ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати 2010 йилнинг 7 январига қадар матбуотда эълон қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари янги сайланган депутатларнинг тегишли қўшма мажлислари 2010 йилнинг 26 январидан кечиктирмадан ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 471-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси белгиланган тартибда 2009 йилнинг 27 декабрга ўтказилисин.

14. Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, жойларда тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари, сайлов тўғрисидаги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция қондаларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади.

15. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 17 сентябрь

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашшига йўл қўйилмайди. Сайлов кампанияси жараёнига аралашши, қонун ҳужжатлари талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида ҳар қандай уришиллар, аниқланган ҳокимий ҳолатларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий чоралар қўрилади.

Брифинг иштирокчилари сўнгги пайтда қабул қилинган, сайлов тизимини янада эркинлаштиришга, партиялараро рақобатни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилигининг янги нормалари билан таништирилди.

Жумладан, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган реал жараёнларни эътиборга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги савиясини, партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизни демократик янгилашда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар қўрсатиш институти бекор қилинди. Натижда, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод қўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни ҳамда одамлар саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалаларининг фойдаланиши, яъни сиёсий қарашлари, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан қатъи назар, уларнинг халқ эътиборидан жамиятимизнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларни эътиборга олган ҳолда, янги қонунга кўра, 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга берилди.

Қонунчиликка сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти киритилди, унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширишда қатъий ҳуқуқ берилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича фаолиятда ошқоралиқни кенг таъминлашга қаратилган нормалар киритилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси брифинг иштирокчиларини бўлажак сайловга тайёргарлик қўриш борасида амалга оширилган ишлар билан таништирди. Хусусан, сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қондаларини тушунтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари уюштирилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида ўнлаб давра суҳбатлари, илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

М.Абдусаломов журналистларга шу йилнинг июнь-сентябрь ойларида Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ҳамда демократик сайлов ўтказиш халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва тақомиллаштириш, сайлов жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, сайлов кампаниясининг очик ва ошқоралигини таъминлаш масалаларига бағишланган халқаро конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ҳақида ахборот берди. Ушбу тадбирларда АКШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Украина, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатлардан халқаро экспертлар, олимлар ва мутахассислар иштирок этиди. Анжуманларда иштирок этган хорижий экспертлар таъкидлаганидек, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумза-тироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келади.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасининг асосий саналари маълум қилинди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси пировардида Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловнинг очик ва ошқора ўтказилишини таъминлаш учун барча зарур ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади.

(ЎзА)

"Qishloq hayoti" ga javob beradilar

Газетамизнинг 2009 йил 21 август сонида фуқаро Б.Бобоназаров шикоят асосида "Оворагарчилик нимага керак?" номли мақола чоп этилган эди. Мақоланинг қисқача мазмуни шундай: 1992 йилда Тошкент Курйиш техникум (ҳозирги коллеж)дан олган дипломинини йўқотиб қўйган Загиота туманида яшовчи фуқаро Б.Бобоназаров дипломининг дубликатини олишни сўраб коллеж раҳбариятига мурожаат қилади. Аммо у бу ўринда асосиз, яъни фақат бир номдаги газетада эълон чоп этириш керак деган талабга рўбарў келади. Куйида ана шу мақолага тегишли идоралар орқали олинган жавобни ҳавола этамиз:

"Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълим бoшқармаси "Qishloq hayoti" газетасининг 21 август сонида чоп этилган "Оворагарчилик нимага керак?" сарлавҳали танқидий мақолани кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Тахририятга мурожаат қилган Б.Бобоназаров... дипломинини йўқотганлиги сабабли жорий йилнинг август ойида диплом дубликатини сўраб, ариза ва тегишли ҳужжатлар билан коллеж раҳбариятига мурожаат этиб... дарҳол диплом дубликатини ёзиб беришни талаб этган.

Б.Бобоназаровга диплом дубликатини бериш тартиб-қондалари тушунтирилган.

Ҳақиқатан унга фақат бир номдаги газетада эълон бериш юзасидан нотўғри тавсия берилган, у коллеж раҳбариятига бошқа мурожаат этмаган.

Б.Бобоназаров коллеж раҳбариятига мурожаат этса, унга диплом дубликати берилади.

Б.Бобоназаровга нотўғри тавсия бериб, оворагарчиликка йўл қўйганлиги учун коллежининг ходимлар бўйича инспектори О.Азимбоевга коллеж директорининг 2009 йил 10 сентябрдаги 65-сонли буйруғи билан ҳайфсан интизомий жазо чораси берилди.

Коллеж директори Ж.Тоҳировга фуқаролар мурожаатларини белгиланган тартиб-қондалар асосида кўриб чиқиши таъминлаш, бу масалаларда ходимлар фаолиятини назорат қилишни қўйиштириш юзасидан топшириқлар берилди. Бундай ҳолатлар яна такрорланган тақдирда унга тегишли чоралар қўрилиши юзасидан огоҳлантирилди.

Бошқарма бошқиси а.в.б. Б.К.ДОДАБОВЕВ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЭЛ ФАРОВОНЛИГИДА НАМОЁН

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозирги кунда фермерлар қишлоққа сановатли олиб кириш, бу билан аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларни иш билан таъминлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— 2008 йилда ялпи даромадимиз 168 миллион сўм бўлиб, шунинг 62 миллион сўми соф фойдани ташкил этган эди, — дейди тумандаги "Сурхон тамали" фермер хўжалиги етакчиси Каттакул Каттақулов. — Жорий йилда 200 миллион сўмлик ялпи даромадни қўзалаймиз. Шунинг 80 миллион сўмдан ортиғи соф фойда ҳиссасига тўғри келади. Мен Президентимизнинг вилоятимизга ташрифидан сўнг Хитойда бўлиб қайтдим. Ўзимизнинг бизнес-режамизни қайтадан кўриб чиқдик. "Агробанк"нинг Термиз шаҳар бўлимидан 100 миллион сўм имтиёзлий кредит оляпман. 32 млн АКШ долларига Хитойдан 50 минг бош товуққа мўлжалланган паррандачилик фабрикаси ускуналарини келтириб ўрнатамиз. Бу билан янгидан 70 нафардан ортик ишчи ўрни яратилади.

— Бизнинг шу кеча-кундуздаги ишимиз муҳтарам Президентимиз томонидан қўйилаётган талабларга ҳамроҳандир, — дейди "Сурхон воҳаси" фермер хўжалиги раҳбари Рисолат Маматқулова. — 164 гектар майдонда пахтачилик, 132 гектар ерда эса гапчалчилик билан шуғулланамиз. Бундан ташқари, кичик хоронамизда 7 турдаги пластмасса маҳсулот-



лари ишлаб чиқариляпти. 72 киши бу ерда меҳнат қиляпти. Шунингдек, "Сурхонвело" цехини ташкил қилганми, бу ерда велосипедлар ишлаб чиқарилмоқда. 31 нафар ёшлар иш билан таъминланган. Мебель цехи мизда дван, креслолар тайёрланяпти. Ишлаб чиқарилятган маҳсулот-

ларимиз Мангузар маҳалласидаги савдо дўкониди сотиляпти. Бир сўз билан айтганда, 120 га яқин киши жамоамизнинг аъзоси ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган суҳбатда фермер хўжаликлари раҳбарлари, илмий-тадқиқот институти вакиллари ҳам иштирок этишганди. Сифатли пахта етиштириш бўйича селекция ишларини тақомиллаштириш соҳасида ҳам ибратли ишлар амалга ошириляпти.

— Айни пайтда ҳосилдорлиғи янада ошириш устида иш олиб бoряпмиз, — дейди Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг шу тумандаги "Дустлик" тажриба участкаси бошлиғи Нажмиддин Очилдиев. — 68 гектар майдонда эса ингичка тотали "Термиз-202" нави парвартиш қилиняпти. Бунинг вегетация мuddати 115 кун бўлиб, олдинги навадан 15-20 кун эрта пишиб етилади. Мақсадимиз иклимга мос, серҳосил навларни қўйиштиришдир.

Бугун Сурхон воҳасида бўлиб, ким билан суҳбатлашманг, ислохотларда қўзланган мақсадларга эришиш йўллари, унинг истиқболли ҳақида тўлиқ-тошчи гапирди. Демакки, амалга оширилятган ислохотлар эл фаровончилиғини оширишга хизмат қиляпти.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти

Профессор Владимир ТЕТЕЛЬМИН хулосаси:

"САЯН-ШУШЕНСК ГЭСИ ТЎҒОНИ МАШИНА ЗАЛИ УСТИГА СИЛЖИБ, УНИ БОСИБ ҚОЛДИ"

(Боши 1-саҳифада)

Гидротехниклар учун сувнинг тўғон олдидидаги шитоби хал қилувчи аҳамиятга эга. Сувнинг юқори сатҳидаги тебраниши беҳад катта бўлиб, бир мавсумда 40 метргача етади, ҳарорат эса 30 даража иссиқ ва 30 даража совуқлик ўртасида ўзгариб туради. Бу жуда жиддий кўрсаткичлардир, лекин мазкур тўғон лойқалаштирилган пайтда индустриализациялаштириш ва маҳабатга берилиб, ҳайбаракаллачилик авжига чиқиб, экологик талабларга асло риоя қилинмади.

Саян-Шушенск ГЭСи, бу — ички сиру синопалари одамлар назаридан ниҳоятда пинҳон бўлган баҳайбат "қора қути"нинг худди ўзидир.

— Диктатга сазовор бир рақам ниғонимга чалинди: Саян-Шушенск ГЭСидаги гидростатик вазон 22 миллион тоннани ташкил этар экан. Бу 500 мингта цистернадан таркиб толган оғирлик тўғонга ҳар лаҳзада босим қўрсатиб туршини аниглади.

— 1985 йилда тўғоннинг биринчи, энг баланд устуни дарз кетиб, дарёнинг бу қирғоғидан у қирғоғигача бутун тўғон танасида ёрик пайдо бўлганлиғи аниқланди. Ерилган жойдан ҳар сонияда 550 литр сув оқиб ўта бошлади. Буни сув остидида дара деса ҳам бўлади.


— Самолёт қанотида кўпгина ёриқлар вуқудга келса, оқдий ҳол саналади. Қанотнинг мустаҳкамлиғи унинг мана шу ёриқларга бардош бериши билан ўлланади.

— Гидротехникада ёриқларга йўл қўйиб бўлмайди. Тўғон бетонининг емирлиши 8 йил мобайнида давом этиб, фақат 1996 йилдагина Франциядан келган мутахассислар унинг яқитлиғини полимерлар воситаси-

да тиклашга муваффақ бўлдилар. Бироқ емирлиш давом этипти. Бугун 4 та устундан фақат охириги, тўртинчисигина сув остидида тошметин меҳварга ишончли даражада таяниб, тўғонни ушлаб турибди. Яъни Саян-Шушенск ГЭСи бугунги кунда гравитацияли тўғон эмас, балки фақат аркасимон тўғон ёрдамида ишлаб турибди.

Тўғоннинг ўрқачи пастга тушаётган сув сатҳига қараб, яъни Енисей дарёсининг оқими томонга силжиқлиғи, айниқса, энг катта хавфхатарни тўғирмоқда. Тўғоннинг танаси 67 та секциядан иборат. 2006 йилда марказий, 33-секциянинг жойидан силжиқлиғи қайд этилган, тўғоннинг аркасимонлиғи туфайли унинг ўрқачининг қийшайганлиғи 60 мм.ни ташкил этади. Энди уни ўрнига келтириш амри маҳолдир. Гарчи нариги қирғоғида ҳоричча симметрия ҳолатида турган 45-секция ўз ўрнидан бор-йўғи 97 мм.га силжиган бўлса-да, лекин сочилиб-тўкилиб ётган 2-агрегат жойлашган 18-секция жойидан 107 мм.га силжиган. Бунинг барчаси тўғон танасида ваҳимали даражадаги ички зўриқишни юзага келтирмоқда.

"Гидротехник иншоотлар хавфсизлиғи тўғрисидаги қонунга бинован, 108 мм.га силжиш хавфсизлик нуктаи назаридан таҳликалидир. 2006 йилда тўғондаги чидамликли захираси бор-йўғи бир мм.га тушиб қолди. Авария рўй берган секция бир неча йил давомида сўнгги имкониятлар даражасида ишлаб келди. Утган 3 йил давомида унинг силжиши 1мм дан ҳам каттароқ микродори ташкил этиши мумкин эди. Қонунга бинован, бундай шароитда тўғон бажараётган ишининг қўлами зудлик би-



лан камайтирилиши лозим эди. Лекин фойда, даромад орқасидан қувиллиб, аксинча, иш қўлами янада оширилди.

— Қандайдир атиги ўн миллиметрга силжиш тўғоннинг байбат келбати олдиди ҳеч гап эмасдир. Наҳотки тўғондаги шу сезилар-сезилмас силжишни аниқлаш усули маъжуд бўлса?

— Тўғонга 3 мингта тензометр ва 3 мингта деформометр ўрнатилган. Шунингдек, 3 мингта геодезия ҳолатини кузатиш ва 3 мингта сувнинг филтрланишини назорат қилиш ускуналари ҳам маъжуд. Енисейда, 40 метр чуқурликка лангар — репер қўрилмаси туширилиб, маҳкамланган бўлиб, унга қараб тўғондаги силжишлар аниқланади. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар "Русгидро" томонидан ҳужжатларда қайд этилган ва тан олинган. Шундай қилиб, тўғон танасидаги силжиш ва зўриқишлар йилдан-йилга осиб бoрган. Айниқса,

юқоридаги аркасимон белбоғларда ва машина залига тулаш қўйи асосда бундай ҳолатлар анча кўчаган.

— Буларнинг ҳаммаси кўнглисиз, албатта. Лекин уларнинг 2-агрегат қисмларининг сочилиб кетишига қандай алоқаси бор? Ахир ўртада тўғон танасини машина залидан ажратиб турувчи 50 мм.ли айрмак чиз

Хизмат

Жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, аҳоли бандлигига қишлоқ аҳолисига уй-жой қурилишида кўмаклашиш, экспорт қилувчиларни, айниқса, саноатнинг етакчи тармоқларини, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Миллий банки томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар белгиланган режа ошириб бажарилди.

ланган банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни янгилаш мамлакатимиз иқтисодининг асосий йўналишларидан бири эканлиги бугун рўй-рост исботланмоқда. Банк томонидан худди шу мақсадда кенг қамровли бизнес лойиҳалари молиялаштирилмоқда. Қонимех туманидаги "Қурилиш савдо" масъулияти чекланган жамиятида ускуналарни модернизациялаш учун банк томонидан 100 миллион сўм кредит ажратилди ва

чилиқни қўллаб-қувватлаш борасида тақлиф этилган 11 та лойиҳани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистоннинг Навоий вилояти бўлими томонидан шу пайтгача 192 миллион сўм ажратилиб, унинг асосий қисми тикувчилик ва хўнарандчиликни ривожлантиришга сарфланди. Карманлик тадбиркор, "Мухаббат боғи" фермер хўжалиги раиси Ориф Каримовдир. У Утган йили ташландиқ жойдан икки гектар ерни текислаб, иссиқхона ташкил этишга киришди. Помидор ва бодирингнинг серхосил навларини

ПРИГЛАШАЕМ НА ТЕНДЕР

Главное государственное управление ветеринарии Республики Узбекистан объявляет тендерные торги по закупке ветеринарных препаратов и лабораторных диагностикумов на 2009 год:

№	Наименование ветеринарных препаратов и лабораторных диагностикумов	Единица измерения	Приемлемая цена (в суммах)
1	Вакцина УзНИИВ живая инактивированная против бешенства животных	литр	111000
2	Туберкулин ППД для мелкопитающих	доз	111
3	Маллеин (аллерген)	доз	192
4	Вакцина против бруцеллеза из "шт-19" сухая	доз	155
5	Набор ИФА для опред.противоящурных антител в сыворотках (Антиген для ИФА типа А)	шт.	734976
6	Набор ИФА для опред. противоящурных антител в сыворотках (Антиген для ИФА типа О)	шт.	734976
7	Набор ИФА для опред. противоящурных антител в сыворотках (Антиген для ИФА типа Азия 1)	шт.	734976
8	Набор ИФА для диагностики бешенства животных	шт.	407410
9	Набор для диагностики инфекционного ринотрахеита КРС по методу ИФА	шт.	242623
10	Набор для диагностики Парагрипп 3 КРС по методу ИФА	шт.	120000
11	Тест система для дифференциальной диагностики вакцинированных и больных бруцеллезом животных	шт.	490846
12	Тест набор для экспресс диагностики птичьего гриппа	шт.	346863
13	Антиген сапной для реакции связывания комплемента	тыс.доз	43030
14	Антиген трипаносомной для реакции связывания комплемента	тыс.доз	44580
15	Антиген паратуберкулезный для реакции связывания комплемента	тыс.доз	320307
16	Антиген бруцеллезный единый для РА, РСК, РДСК	литр	127430
17	Антиген бруцеллезный цветной для КР с молоком	литр	407616
18	Антиген и сыворотка для диагностики Инфекционной анемии лошадей в РДП	тыс.доз	302647
19	Сыворотка о-копи агглютинирующая	набор	336910
20	Сыворотка сапная для реакции связывания комплемента	тыс.доз	181161
21	Сыворотка паратуберкулезная для реакции связывания комплемента	тыс.доз	320700
22	Сыворотка сальмонеллезная О-монорецепторная О и Н агглютинирующая набор № 2	набор	419050
23	Сыворотка сальмонеллезная О-комплексная агглютинирующая набор № 1	набор	424800
24	Сыворотка трипаносомная для реакции связывания комплемента	тыс.доз	183465
25	Сыворотка гемолитическая для реакции связывания комплемента	тыс.доз	12842
26	Сыворотка бруцеллезная позитивная	литр	1184189
27	Набор для выявления антител по птичьему гриппу H5N1 иммуноферментным анализом	шт.	1062435
28	Набор для серологической диаг.хламидиозов с/х животных в РСК, РДСК	шт.	567076
29	Набор для серологической диагностики лейкоза Крупного рогатого скота	шт.	765700
30	Набор диагностический для постановки РСК при листериозе	шт.	628787
31	Набор для диагностики гриппа лошадей	шт.	823928
32	Набор спец.компон. для диагностики вызываемый бруцеллой овец в РДСК	шт.	353589

Предложения по тендеру принимаются в закрытых конвертах с печатью до 18.00 часов 18 октября 2009 года.
Цена тендерных документов:
- для местных производителей 200 тыс.сумов;
- для зарубежных поставщиков 300 долларов США.
Сумма, которая закладывается для участника тендера, рассчитывается в зависимости от общей суммы каждого предлагаемого препарата.
Рабочий орган тендера: Главное государственное управление ветеринарии Республики Узбекистан.

Адрес: г.Ташкент ул.Фархадская дом 21 а. Обращается по тел.: 276-49-92, 276-91-51, 276-90-85.


БАНК САРМОЯСИ — ҚИШЛОҚ ЛОЙИҲАЛАРИГА

Жумладан, банкнинг Навоий вилояти бўлими томонидан 2009 йилнинг шу даври мобайнида 4 миллиард 762 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 276 та янги иш ўрни яратилди.

Мазкур молия муассасаси мадади билан иши юришиб кетганлар вилотда қўллаб топилди. Улардан кўпчилиги уй-жой қурилиши материаллари ишлаб чиқарувчилардир.

Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ банк томонидан вилотда қўллаб бизнес лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Навоий вилоятида гипс, оҳактош, гранит, мрамар каби қурилиш материалларини қайта ишлаш эвазига уй-жой қурилишига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини аввалги йиллардагига нисбатан ортб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг ўзида йилга 4 миллион дона пишк қиш ишлаб чиқариш қувватига эга булган, ёнлигини тежовчи замонавий гипс заводи қуриш учун "Қизилқумтранс" МЧЖга ажратилган 50 миллион сўм кредит эвазига янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 20 та янги иш ўрни яратилди.

Зарафшон шаҳрида фаолият кўрсатган "Зарафшон овози" масъулияти чекланган жамиятининг бизнес лойиҳасига кура Хитойнинг "XINJULAG YEMA ECONOMY AND TRADE GOLD" компаниясидан оҳак ҳамда руда ишлаб чиқарувчи замонавий ускуналар ва янги транспорт воситалари сотиб олиш учун 1,18 миллион АҚШ доллар



ри банк томонидан ажратилди. Натижада амалга оширилган ушбу янги лойиҳа эвазига 93 нафар янги иш ўрни яратилди.

Кизилтепа туманининг Бўстон қишлоғида қурилиш материаллари ва замонавий томёпқичлар ишлаб чиқаришга киришган "Бўстон қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти эса банкдан 100 миллион сўм кредит олиб, том ёпиш учун темир-бетон плиталари, шлакаблотлар тайёрлай бошлади. Яна шу тумандаги "Файзли йул сервис" хусусий фирмасига асфальт ишлаб чиқарувчи тош майдалагич (дробилка) ускунасини сотиб олиш учун 100 миллион сўм миқдорда банк кредити сарфланди ва 15 нафар ёшлар ишга қабул қилинди.

Юртобшмизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариоитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини да

экспортбоп пропилен халталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Босмахона ускуналарни эскирган "Кизилтепа Адаст" хусусий корхонасига 40 миллион сўм банк кредити ажратилиб, "Адаст-Доминант-725" замонавий чоп этиш технологияси сотиб олинди.

Энг муҳим бойлигимиз булган аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Учқудук туманида фаолият кўрсатётган "Мохирун Гранд Мед" хусусий корхонасига тиббиёт ускуналарини сотиб олишда кўмаклашиш учун 72 миллион сўм миқдорда банк кредити ажратилди. Вилотда, айниқса, қишлоқ жойларда фаолият кўрсатётган тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун эса банк томонидан жорий йилнинг шу пайтгача 520,4 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада 46 нафар аёл янги иш ўрни билан таъминланди, Касана-

танлашда унга Голландиянинг "NUNHES" компанияси агрономларни кўмаклашди. Хориз технологияси асосида иш юрита бошлаган Ориф Каримов Ўзбекистон сармоясига суянди. Иссиқхона қуриш лойиҳасини 550 миллион сўм банк кредити эвазига амалга оширди. Натижада карманлик йигит-қизларнинг 46 нафари "Мухаббат боғи" фермер хўжалиги иссиқхонасида янги иш ўринлари билан таъминландилар.

Айни пайтда вилотда ташкил этилган иссиқхоналарда етиштирилётган маҳсулотлар билан аҳолининг ақтибжини тўла қондиришга эришилаётди. Шунингдек, ушбу маҳсулотнинг бир қисмини шу ернинг ўзидан хорижга экспорт қилиш эвазига вилотга чет эл инвестициясини киритиш аниқ белгиланган режалар асосида амалга оширилмоқда. Вилотда белгиланган дастурга мувофиқ "Аква Тудакўл" бўша корхонасининг Тудакўл сув ҳавзасида баліқ личинкаларини боқиш лойиҳасини амалга оширишга 600 миллион сўм банк кредити сарфланди.

Яқинда эса Ўзбекистоннинг "Шамс Навоий" хусусий фирмасига йилга 50 минг тонна гипс маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга булган хориз технологиясини келтириб ўрнатиш учун 748 минг АҚШ долларини қийматидаги кредит маблағини ажратди. Айни пайтда ҳам навоийлик тадбиркорлар томонидан тақлиф этилган янги бизнес лойиҳаларини молиялаштириш белгиланган дастурлар асосида давом этаётди.

Бахриддин САДРИДДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий вилояти

Сирдарё туманида Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси қурилиши бошланди

Яқинда Сирдарё туманида Хитойнинг "PENGSHENG" компанияси ишбилармонлари билан ҳамкорликда барпо этилаётган корхона қурилиши учун туман ҳудудидан 37,2 гектар ер майдони ажратилди.

Корхона биноси қурилишининг дастлабки пойдеворини қўйишга бағишланган маросим чинакам шодибанага айланиб кетди. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар ва хитойлик ишбилармонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Вилот ҳокими Абдурахим Жалолов тантанали маросим иштирокчиларини қизгин кутлади ва қўшма корхона қурилиши вилот иқтисодиётини оқсаттиришда ўзига хос воқеа эканлигини алоҳида қайд этди. Тантананда сўзга чиққан Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Ю.Хон Дзинг корхона биринчи навбатини ишга тушириш 2010 йилга режалашти-

рилганлиги ва дастлабки йилнинг ўзидаёқ ойига 300 минг жуфт пойабзал маҳсулотлари, 4 миллион квадрат метр кафель ишлаб чиқарилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтди. Корхонанинг биринчи навбати ишга туширилган, 500 киши иш билан таъминланади. 2011 йилга бериб эса корхонада рунча,

Ҳамкорлик меvasи

кўзойнак каби маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Корхонанинг иккинчи навбати қуриб битказилган, бу ерда икки мингта ишчи ўрни яратилди.

Биз қурилиш ишларини жаддалаштириб, 2012 йилда корхонанинг тўлиқ фойдаланишга топирилишини таъминлаймиз, - дейди "PENGSHENG" компанияси раҳбари Чен Ли Ванг.

Корхона қурилишининг бошланишига бағишлан-



ган маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.Шоисматов иштирок этди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё вилояти

Узоқ умри давомида бу табаррук онахон ҳаётининг не-не аччиқ-чучугини кўрмади дейсиз. Октябр тўнтариши, ундан сўнгги алғов-далғовлар, коллективлаштириш дағдағалари, қатагонлар, уруш даври қийинчиликларини бошдан кечирди.

Шуманайлик Зийнеп момо

Утган асрнинг 30-йилларида беповён Шуманай даштини ўлаштиришда фаол қатнашди. Айни пайтда шуманайлик Зийнеп момо Фолпава асл рўшноликни мамлакатимиз мустақилликка эришган кўрди.

Унинг ҳаётини энг қувонарли воқеа эса Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига асосан "Шухрат" медали билан мукофотлангани бўлди.

Зийнеп момонинг 104 ёшга тўлиши ва юсак мукофотга сазовор бўлиши муносабати билан фарзандлари, неваралари, чевара ва эваралари жамулган бўлиб, онахонни кутлашди. Момонинг ҳовлиси чинакам шодибана кўрғонига айланди. Туман ҳокимлиги Орол-бўйининг энг узоқ умр кўрган онахонларидан бири умргузаронлик қилаётган бу оилага бир бош соғин сизир ҳада қилди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Муштарий изҳори БИЗ УЧУН ТАЖРИБАЛАР МИНБАРИ

Биз ҳар йили жамоамиз билан сеvimли газетамиз "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт"га обуно бўломиз. Бунинг сабаби оддий. Ҳозирги кунда барча соҳада бўлгани сингари сул тизимдаги ислохотларда муойян натижаларга эришилапти.

Президентимизнинг фармон ва қарорлари бу жараёнда дастуриямал вазирасини ўтаётди. Жамоамиз ҳам обиваҳсин ҳар қатрасидан оқилона фойдаланиб, қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорликни оширишга ҳисса қўшмоқда. Бошқармаимизда 48 дна насос станцияси бўлиб, улар сугориш қудуқлари ҳамда зовур ва сойларга ўрнатилган. Сул ислохоти бўйича мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида олиб борилаётган ишлар бизни бефарқ қолдирмайди. Бу жараёнда "Қишлоқ ҳаёти" газетаси орқали кузатиб бораёlmиз. Шунингдек, газета биз учун ўзига хос тажриба минбари вазирасини ўтаётди. Газетанинг "Ҳаёт" иловаси ҳам сондан-сонга қўзиқарили ва ўқимчилик мақодаларга бой бўлмоқда. Ҳаётнинг ҳар бир жабаҳаси ҳақида ранг-баранг мақолалар, хоризк янгилликлари, мамлакатимизда рўй бераётган муҳим воқеа ва хабарлар, спорт олимпиадаги бир-бирдан қизик маълумотлар бизни газетанинг ҳар бир сонини иштирокчи билан куттишга ундайди.

2010 йилда ҳам "Қишлоқ ҳаёти" газетаси ҳамкоримиз бўлиб қолади. Биз тахиррият жамоасидан сул ислохотидаги янги тизим ва унинг афзалликлари, жойлардаги СФУлар фаолияти, устоз ва шогирд аъёнлари, тизимнинг шаклланишида фидойилик кўрсатган ҳамда курсатаётган меҳнат фахрийлари ва янги авлод тажрибаси ҳақида қизикарли мақолалар кутиб қоламиз. Бошқармаимиз маънавият ва маърифат хонасидаги газеталар тахтами орасида энг яқин ҳамкору ҳамдаст, давраларда суҳбатдош "Қишлоқ ҳаёти" ва "Ҳаёт" газеталарига сизнинг ҳам обуна бўлишингизни тавсия этамиз.

Тошбой ЖАХОНГИРОВ, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи.

Qishloq Qurilish Bank

Касса жиҳозлари, жумладан, пул санаш машинаси ва вакуум пул қадокловчи мосламаларини сотиб олиш бўйича конкур эълон қилади. Конкурса қатнашиш учун тақлифлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 36-уй. Тел.: 236-74-30, 236-04-30.

Тошкент вил. Қуйи Чирчиқ т.даги 13-умий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йили Исаков Жасурхўжа номига берилган U № 2851884 рақамли 9-синфини тугатганлик ҳақидаги шакдатнома йўқотганлиги сабабли бекор қилинди.

Утерные кадастровые документы недвижимости за № 4-345/2007, выданный на имя Хамидова А.А., хокимиятом Хамзинского р-на г.Ташкента, считать недействительными.

ЧП "ARMEZONOVA LUDMILA VASILEVNA" (ИНН 300631156), расположенного по адресу: г.Ташкент ул.Буюк Ипак Йули, 54, ликвидируется (приказ № 3 от 15.09.09 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

К СВЕДЕНИЮ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

УП "Ташкентская ТЭС", находящаяся в Кибрайском районе Ташкентской области, извещает всех хозяйствующих субъектов, сотрудничающих с предприятием, независимо от форм их собственности, включая потребителей тепловой энергии, питающихся от его сетей о том, что начиная с 1 сентября 2009 года все юридические документы, составляемые совместно хозяйствующими субъектами и УП Ташкентская ТЭС должны оформляться в строгом соответствии с "Правилами пользования электрической и тепловой энергией", утвержденными Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 245 от 22.08.2009 г. Все ранее составленные документы в части, касающейся потребления электрической и тепловой энергии, должны быть приведены в соответствии с вышеуказанными "Правилами пользования электрической и тепловой энергией".

Вниманию организаций и предприятий! ОАО "Навоийская тепловая электростанция" объявляет конкурсный торг

На поставку: Стальных труб для монтажа трубопроводных линий объекта "Химовоочистка-350 тн/ч" ОАО Навои ТЭС. Трубы стальные прямошовные или спиральшовные больших диаметров по ГОСТ 10704-91 ГОСТ 8732-78 Ст.3сп. ст.20. дав.38 кгс/мм²

1. Д-820x8	тн/мм	- 157,7/984
2. Д-630/8	тн/мм	- 12,3/100
3. Д-530/8	тн/мм	- 40,0/300
4. Д-325x8	тн/мм	- 9,1/150
5. Д-273x6	тн/мм	- 15,4/390
6. Д-219x6	тн/мм	- 47,3/1500
7. Д-89x3,5-4	тн/мм	- 3,7/500
ИТОГО	тн/мм	- 285,5/3924

Стартовая стоимость поставляемого товара, установленная заказчиком, составляет без НДС 3 500 000 сум за 1 тн. Условия финансирования - аванс 50 % от стоимости товара, остальные части после поставки товара в течении 45 банковских дней. Срок поставки - 45 дней.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога. Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навоий, ул. С.Айний-32. Тел.: 225-53-85, 225-52-38. Стоимость одного комплекта документов 70 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.С.Айний-32. Тел.: 225-53-85. Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

ҚОРАҚЎЛ ПАРЧАЛАРИДАН ЯРАТИЛГАН ҲАЙРАТ



Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлари уюшмаси аъзоси, амалий санъат йўналиши бўйича ўзига хос мактаб яратган бу инсон кўп йиллардан бундан мазмунли ижод қилиш билан бир қаторда Бухоро тасвирий ва амалий санъат мактаб-интернатда ўз касбининг сир-ас-

1998 йилнинг ноябрь ойида ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор Бухорои Шарифга таширф буюрган эди. Рассом Арслон Рамазонов меҳмонга унинг қоракўл тери парчаларидан мутлақо янги услубда ишланган портретини тақдим этди. Нуфузли ташкилот раҳбари ўз тимсолининг матодаги бетакрор аксидан ҳайратланиб, ўзбек мусаввирига чуқур миннатдорчилик билдирганди.

айни пайтда Юрий Арсенов, Фирс Маликов, Ўзбекистон халқ рассоми Нуъмонжон Аминов, машҳур бухоролик зардуф, Ўзбекистон Қаҳрамони Муъссар Темурваларни ўзининг устози деб билади. Арслон Рамазонов қарийб ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида қоракўл тери парчалари ва турли рангдаги зар иплардан фойдаланиб, портрет ишлаш технологиясини ишлаб чиқди. Буни тасвирий ва амалий санъатда ўзига хос ихтиро дейиш мумкин. Матода инсон характериға хос жиҳатлар бетакрор усулда акс эттирилгани боис рассомнинг асарлари дунёдаги ўндан ортиқ мамлакат музейлари кўргазмаларидан муносиб жой эгаллаган.

Санъат

БРЮССЕЛДА ЮРТ БАЙРАМЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган брифинг ўтказилди.

Брифингда Бельгиянинг кўплаб ишбилармон ва жамоатчилик доиралари, Брюсселда жойлашган Европа Иттифоқи, Европарламент, тахлилий ва тадқиқот марказлари, ушбу давлатда рўйхатдан ўтган дипломатик кинсаалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йилгиланларга мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар, мамлакатда демократия ва фуқаролик жамиятининг мустақам қарор топтириш мақсадида амалга оширилган тўб ислохотлар, республиканинг сўнгги йиллардаги иқтисодий-иқтисодий ривожланиш натижалари, шунингдек Тошкент тарихи, шаҳарнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида атрафлиқ маълумот берилди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиётига нисбатан ўз фикрларини билдирдилар.

“Жаҳон” АА

Брюссель

Бухоро вилояти

Иқтидорларни чорлаётган маскан

Жорий йилда вилоятда кўплаб ўқув даргоҳлари янгидан қурилиб, уларда келажакдаги ворислари бўлган ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шароитлар муҳайб қилинаётган.

Сариосиё туманида қиймати 3 миллиард 101 миллион сўми ташкил этадиган янги академик лицейнинг фойдаланишига топши-

рилиши ёш йигит-қизларнинг руҳини кўтариб юборди. Янги ўқув йилида янги академик лицей 330 нафар ўқувчини ўз бағрига олди. Шунингдек, бу ерда 30 нафар мутахассис педагог учун янги иш ўрни яратилди.

Жуманазар АНОРОВ

Сурхондарё вилояти

Qishloq Qurilish Bank

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) байрами муносабати билан ҳамюртларимизни муборакбод этади ва уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда янги ижодий ютуқлар тилайди! Ҳамюртларимизга янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади.

- “Муаллим” — муддати 3 ой — йилига 30 фоиз
- “Мезон” — муддати 6 ой — йилига 28 фоиз
- “Олтин куз” — муддати 12 ой — йилига 26 фоиз
- “Шодиёна” — муддати 18 ой — йилига 24 фоиз

Омонатлар бўйича устама фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Банкдаги омонат маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17 www.qishloqqurilishbank.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!



СПОРТ

Грандлар мураса кўчасини танлашди

УЕФА Чемпионлар лигаси гуруҳ учрашуларининг биринчи тури бўлиб ўтди.

“F” гуруҳи вакиллари “Интер” (Италия) — “Барселона” (Испания) қарама-қаршиликдаги турнинг марказий учрашуви сифатида қаралган эди. Сабаби, мавсум бошида ушбу икки жамоа ўзларининг етакчи футболчилари — Ибрагимович (“Барселона”) ва Это’Они ўзаро алмаштириб олишган эди. Икковининг ҳам собиқ жамоадоларига қарши қандай ўйин кўрсатиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Яъни бу ўйин бир тарафдан гуруҳ етакчиларининг кураши бўлса, бошқа тарафдан икки форвард Ибрагимович—Это’О қарама-қаршилик эди. Кўпчилик ушбу ўйинни жуда кескин ва албатта голларга бой бўлиши кутган эди. Аммо Миланда бўлиб ўтган ўйин курак дуранг — 0:0 билан якунланди. Ўйин суръати кескин кечган бўлса-да, жамоалар эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди ва бутун жамоа бўлиб ҳужумга ўтишга ошиқмади. Афтидан, қайд этилган натижа “Интер” мутасаддиларини қониқтирган кўринади. Ҳужумкор “Барса” эса масалани ўз ўйида ҳал қилмоқчи, шекилли. Каталонияда “Интер” дарвозаси томон “ҳужумлар ёмири” ёғилиши турган гап. Аммо 0:0 “Барса” учун қалтис ҳисоб эканини таъкидлаш жоиз. Миланликлар меҳмонда биринчи бўлиб тўп киритиб олса, “Интер” дарвозаси ҳақиқий қўрғонга айланиши аниқ.



«Интер»-«Барса» учрашувида ҳисоб очилмаган бўлса-да, ўйин кескин руҳда ўтди.

3:1 ҳисобида мағлубиятга учраш эса Россия жамоаларига одат бўлиб қолган кўринади. Аввал ЦСКА “Вольфсбург”дан, энди эса “Рубин” Киевнинг “Динамо”сидан шу ҳисобда мағлубиятга учради. “F” гуруҳининг иккинчи ҳафтаси “Динамо” К. (Украина) — “Рубин” (Россия) жамоалари учрашуви ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, МДХ давлатлари футбол муҳлислари ўртасида. Номдор



«Динамо» Киев жамоасининг бош мураббийи Валерий Газзаев Россия клубларига қарши қандай ўйнаш лозимлигини яхши билади.

“Динамо” К. ва “Рубин” Украина ҳамда Россия чемпионлари сифатида икки давлат футбол киёфасини намойиш этади. Ушбу қарама-қаршиликни қисман Россия ва Украина футбол тўқнашуви деб ҳам айтса бўлади. Унда Украина жамоаси рус мураббийи ёрдамида 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Украин жамоасининг ғалабасида айнан мураббий омили бош ролни ўйнаганига шубҳа йўқ. ЦСКА (Москва)ни тарқ этиб, “Динамо” К.га бош мураббий бўлиб келган тажрибали мутахассис Валерий Газзаев Россия клубларига қарши қандай ўйнаш кераклигини яхши билади. Иккинчи бўлимда “Динамо” биринчи бўлимдагидан кескин фарқ қилувчи ўйин кўрсатди. Биринчи бўлимда “Рубин” ташаббусни ўзида сақлаб, Домингеснинг аjoyиб жарима зарбасидан сўнг 1:0 ҳисобида олдинда боравтганди. Аммо иккинчи бўлимда киевликлар Қозон жамоаси дарвозасини “камал”га олишди ва Юсуф, Жерсон Маграв ҳамда Гусевнинг голлари эвазига ғалаба қозонди. Ўйиндан кейин журналистлар билан бўлган суҳбатда “Динамо” К. жамоаси сардори Артем Милевский бўлимлар ўртасидаги таънафус пайтида ечиниш хонасида “эрхакча” гап бўлганини тан олди. Газзаевнинг феълини яхши билганлар унинг жамоани қандай қилиб “руҳлантиргани”ни фахрлашгандир. Қолган учрашуларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: “Ливерпуль” — “Дербрессен” 1:0, “Лион” — “Фиорентина” 1:0, “Штутгарт” — “Рейнджерс” 1:1, “Севилья” — “Униря” 2:0, “Олимпикос” — “А3” 1:0, “Стандарт” Л. — “Арсенал” 2:3.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ “ГАЗ” ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

GAZ GROUP AVTODOM PLUS

“ГАЗ” русумли 50 хилдан зияд автотранспорт — 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади. Ҳақ тўлаш исталган усулда!

“ГАЗ-3221” русумли 13 ўриндиқ микроавтобус

“ГАЗ-3309” русумли 4,5 тонна юк кўтарувчи машина

Маълум: 100015, Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси 16-й, Тел/факс: (99871) 256-13-01, 256-10-36, 256-03-62, 126-12-94, 236-58-83, 233-28-04, Автосалон: 127-69-60, 140-41-22, 140-41-21, E-mail: info@auto.uz Web-site: www.auto.uz

ООО “OSIYO EKSPERT” (код по ОКПО 17055063), зарегистрированное в Мирзатодском р-не г. Ташкента, на основании Протокола решения учредителей № 4 от 14.09.2009 г., ликвидировано. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 237-37-99.

ТШСЖ “BAJAJ-KOMMUNAL” (ИНН 206805094) Мирзатодского р-на г. Ташкента прекращает свою юридическую деятельность (основание: протокол общего собрания № 4 от 09.07.09 г.); адрес домов ул. Саид Барака 18, 1. Претензии принимаются по адресу: ул. Нукус, 4.

ООО “SA DIPLOMAT” (код по ОКПО 21343388) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 150 000 000 сум до 135 000 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Яхасарский р-н, ул. Г. Ликин (Братислава), д.3 “А”.

ООО “CHAQAR SAVDO BIZNES” (код по ОКПО 22614317, ИНН 300992816) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 8 327 850 сум до 4 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Шахматхусарский р-н, ул. А. Хужаева, около д.41 “А”. Тел.: 774-47-42.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик жамоаси Капитал қурилиш ва қурилиш ишларини ташкил этиш бош бошқармаси бош мутахассиси Мирза Хўсенова падари бузруквори ЮСУФЖОН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия ишор этади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмолон САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБЕКОВ, Зийвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРҚУЖАЕВ.	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Алғатай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Уттир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулло ЮНУСОВ, Шеразод ҚУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибхона — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДАЙЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Буюр — 542-05-18; Ж.с.саз — 366-61-16; Наманган — 224-69-08; Наманган — 224-61-69; Ферғана — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 372-38-13; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40.	Реклама ва эълонлар — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буржумани жаобгар	МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	Навбатчи: Р.СУЯРОВ Мусоҳиҳчи: С.ҚОДИРОВ Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ
-------------------------------------	--	---	---	--	---	---